

ADB

ЭКОЛОГИК ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

ЖАММИЯТ

№ 16 (986)
2026 йил
14 май,
Пайшанба

Ижтимоий-сиёсий, экологик газета

2006 йил 31 августдан чоп этила бошлаган



EIGHTH GEF ASSEMBLY SAMARKAND 2026 UZBEKISTAN

ДУНЁ НИГОҲИ ЯНА САМАРҚАНДДА

GEFнинг VIII Ассамблеяси бошланишига санокли кунлар қолди

Кўхна ва навқирон Самарқанд санокли кунлардан сўнг яна атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган долзарб мавзулардаги муҳокамалар марказига айланади. 30-майдан 6-июнга қадар «Silk Road Samarkand» мажмуасида Глобал экологик фонднинг VIII Ассамблеяси бўлиб ўтади.

Ассамблея 186 давлат ҳукумат вакиллари, халқаро ташкилотлар, бизнес доиралари, илмий ҳамжамият, инвесторлар,

фуқаролик жамияти ва эко-фаолларни муҳим экологик масалаларга ечим излаш мақсадида бирлаштиради. Бир ҳафта давомида, яъни 6-июнга қадар тадбир иштирокчиларини юқори даражадаги форумлар, инновацион кўргазмалар, учрашувлар ва минтақавий экологик лойиҳалар тақдимотлари кутмоқда. Марказий Осиёда сув ресурсла-

ри, чўлланиш, биохилма-хилликни сақлаш ва яшил молиялаштириш масалалари асосий мавзулардан бирига айланади. Энг муҳими, тадбирда экологик барқарорлик, яшил иқтисодиёт ва иқлимга мослашиш бўйича янги халқаро ташаббусларга старт берилади.



Муҳим!

Ассамблеяда иштирок этиш истагида бўлганлар учун рўйхатдан ўтиш муддати 15-майга қадар узайтирилди. Бу эса экология, иқлим, яшил технологиялар ва барқарор ривожланиш соҳасида фаолият юритаётган мутахассислар, ёшлар ҳамда медиа вакиллари учун ноёб имкониятдир.

VIII Ассамблея нафақат халқаро мулоқот майдони, балки Ўзбекистоннинг экологик дипломатия ва «яшил» ислохотлар борасидаги саъй-ҳаракатларини дунёга намойиш этувчи муҳим воқеадир. Самарқандда ўтадиган ушбу йирик экологик саммит глобал ҳамкорликни мустаҳкамлаш, янги инвестицияларни жалб қилиш ҳамда келажак авлод учун янада барқарор ва хавфсиз экологик муҳит яратишга хизмат қилади.



ADB
SAMARKAND
 59th ANNUAL MEETING OF
 THE ASIAN DEVELOPMENT BANK
 3-6 MAY 2026

ЕТАКЧИ ХАЛҚАРО

МОЛИЯВИЙ ИНСТИТУТЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР БИЛАН ЭКОЛОГИК ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Самарқанда бўлиб ўтган Осиё тараққиёт банки Бошқарув кенгашининг 59-йиллик йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг экология масалалари бўйича маслаҳатчиси — Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси раиси Азиз Абдуҳакимов халқаро молия институтлари, инвестиция ташкилотлари ва хорижий ҳамкор ташкилотлар раҳбарлари билан бир қатор учрашувлар ўтказди.

Муҳокамалар экологик ҳамкорликни ривожлантириш, иқлим ташаббусларини амалга ошириш, атроф-муҳит мониторинги тизимларини модернизация қилиш ва яшил лойиҳаларга инвестицияларни жалб қилишга қаратилди.

Япония халқаро ҳамкорлик агентлигининг катта вице-президенти Масао Яҳара билан учрашувда томонлар атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва аҳоли саломатлиги соҳасида ҳамкорлик истиқболларини муҳокама қилишди. Ўзбекистон томони ҳаво ва сув сифати, чанг ва кум бўронлари, оғир металллар ва пестицидлар билан ифлосланиш, аҳоли саломатлиги ва озик-овқат хавфсизлиги ўзаро боғлиқ эканлигини таъкидлади.

Шу муносабат билан, Ўзбекистонда иқлим ва экологик хавфлар-

ихасига алоҳида эътибор қаратилди. Томонлар Навоий вилоятида 260 миллион долларга тенг замонавий, тўлиқ сиклли хавфли чиқиндиларни қайта ишлаш заводини куриш масаласини муҳокама қилишди. Лойиҳа йилига 330 000 тоннагача чиқиндиларни қайта ишлаш, RDF

япониялик ҳамкорлар билан бирга «Green University»да тадқиқот лабораторияларини ташкил этиш масалалари муҳокама қилинди.

Бундан ташқари, ВМТнинг Озик-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (FAO) бош директори ўринбосари ва инвестиция марка-



нинг аҳолига таъсирини ўрганиш ва камайтиришга қаратилган «Иқлим ва соғлиқни сақлаш» соҳасида қўшма лойиҳани кўриб чиқиш таклифи билдирилди. Шунингдек, япон технологиясидан фойдаланган ҳолда интеграциялашган ҳаво сифати ва иқлим маълумотларини мониторинг қилиш тизимини яратиш, шунингдек, «Green University» ва япон компаниялари билан илмий тадқиқотлар ҳамда лаборатория ускуналари соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

«ACWA Power», «Vision Invest» ва Саудия-Ўзбекистон Бизнес Кенгаши раиси Муҳаммад Абунаян билан учрашувда амалга ошириш босқичига кирган хавфли саноат чиқиндиларини қайта ишлаш лой-

ёқилғисини ишлаб чиқариш ва 250 та иш ўрни яратишни кўзда тутди. Мунозара, шунингдек, чанг ва кум бўронлари учун эрта огоҳлантириш тизимини ишлаб чиқиш ва метеорологик инфратузилмани такомиллаштириш учун грант маблағлари ва инвестицияларни жалб қилишга қаратилди.

Япония халқаро ҳамкорлик банки бошқарувчиси Нобумитсу Хаяши билан алоҳида учрашув бўлиб ўтди. Япония вакилларига амалга оширилаётган миллий экологик лойиҳалар ҳақида маълумот берилди. Музокаралар давомида саноат корхоналарида яшил технологияларни жорий этиш учун кредит линияларини яратиш истиқболлари, замонавий ҳаво ва сув сифатини мониторинг қилиш тизимларини ишлаб чиқиш ва

зи директори Муҳаммад Мансурий билан музокаралар ўтказилди. Томонлар Ўзбекистонда экологик ташаббусларни қўллаб-қувватлаш, иқлим ўзгариши, барқарор табиий ресурсларни бошқариш ва яшил ривожланиш соҳаларида янги лойиҳаларни тайёрлаш ва қўшимча грант ресурсларини сафарбар қилиш учун FAOнинг тажрибаси ва инвестиция салоҳиятидан фойдаланиш имкониятларига эътибор қаратишди.

Учрашувлар якунида томонлар амалий ҳамкорликни янада кенгайтириш, қўшма экологик ва иқлим лойиҳаларини илгари суриш ҳамда барқарор ривожланиш соҳасида халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашдан манфаатдор эканликларини тасдиқладилар.



ТАБИАТНИ АСРАШ

ЕРГА ҚОНУНИЙ ЭГАЛИКДАН БОШЛАНАДИ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар замирида ердан оқилона фойдаланиш, ерга бўлган ҳуқуқларни суниестемол қилмаслик, ўзбошимчалик билан ер эгаллаш ҳолатларига барҳам бериш ҳамда фуқароларнинг қонуний ҳуқуқларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Зеро, ер — нафақат иқтисодий манба, балки табиатнинг энг муҳим бойлиги ҳисобланади.

Ер тўғрисидаги қонунчиликнинг асосий вазифаси ердан илмий асосда ва самарали фойдаланиш, уни муҳофаза қилиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш, атроф-муҳитни асраш ҳамда келажак авлодлар учун соғлом табиий

муҳит яратишдан иборатдир. Шу билан бирга, юридик ва жисмоний шахсларнинг ерга бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳам муҳим вазифалардан саналади.

Конституциянинг 55-моддасида ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойлик экани белгиланган. Демак,

ерга муносабат шунчаки мулкка эмас, балки келажак тақдирига муносабатдир.

Қонунчиликка мувофиқ, ер участкалари мулк, ижара ёки доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида бериллади. Бу ҳуқуқлар давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин вужудга келади. Бугунги кунда электрон онлайн-аукцион тизими орқали ер ажратиш амалиёти жорий қилиниб, очиқлик ва шаффофлик таъминланмоқда.

Ердан ноқонуний фойдаланиш, ўзбошимча қурилиш қилиш, яшил ҳудудларни қисқартириш ёки қишлоқ хўжалиги ерларини мақсадсиз

ишлатиш экологик муаммоларга сабаб бўлади. Бу эса тупроқ унумдорлигининг камайиши, ҳаво ва сув ифлосланишига олиб келиши мумкин.

Шу боис ҳар бир фуқаро ерга нисбатан ҳуқуқларини қонуний асосда расмийлаштириши, ердан самарали фойдаланиши ва табиатни асрашга ҳисса қўшиши лозим. Чунки табиатни асраш — ерга қонуний ва масъулиятли муносабатдан бошланади.

Урал НЕМАТИЛЛАЕВ,
Фуқаролик ишлари бўйича
Қарши туманлараро суди раиси

ЭКОЛОГИК ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР СОДИР ЭТГАН ЮРИДИК ШАХСЛАРГА МОЛИЯВИЙ САНКЦИЯЛАР ҚўЛЛанилади

Ўзбекистон Республикасининг 1143-сонли Қонуни билан айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди. Унга кўра, экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун молиявий санкциялар жорий этилиши белгиланди.

Хусусан, дарёлар ўзанларини тозалашга ва қирғоқларини мустаҳкамлашга доир ишларни амалга ошириш тартибини бузганлик учун юридик шахсларга нисбатан атроф-муҳитга етказилган зарарнинг 3 баравари миқдорида жарима тарзидаги молиявий санкциялар қўлланилади.

Шунингдек, сувларни ифлослантирганлик, сув объектларига оқова сувларни оқизишга йўл қўйиш шартлари тўғрисидаги талабларни бузганлик учун юридик шахсларга нисбатан атроф-муҳитни ифлослантирганлик учун тўланиши лозим бўлган компенсация тўловининг 10 баравари миқдорида жарима тарзидаги молиявий санкциялар қўлланилади.

Қолаверса, юридик шахсларга тегишли бўлган ёки уларга бириктирилган ҳудуддаги дарахтларни муҳофаза қилиш ва сақлашга доир қонунчиликда белгиланган чораларни кўрмаганлик учун юридик шахсларга нисбатан атроф-муҳитга етказилган зарарнинг 5 баравари миқдорида жарима тарзидаги молиявий санкциялар қўлланилади.

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан 3 ой ўтгач кучга киради.





АБДУСАИД КҶЧИМОВ

Абдусайд ака билан кўришиш, суҳбатлашишдан олдин у кишининг китобларини ўқиб, таниганман. Айрим ҳикоялари орқали болалик, ёшлик йиллари ҳақида маълумотга эга бўлганман. Ўтган аср эллингичи йилларида Ургутдаги оддий қишлоқ оиласида туғилиб ўсган, болалигидан адабиётга, журналистикага кизиққан ва шу кизиқиш туфайли пойтахтга бориб, ўқиган.

Кейин ҳаёти шу азим шаҳар билан боғланиб, таҳририятларда, масъул идораларда ишлаган, журналист, шоир, адиб сифатида ижод қилган. Ургутдан Олий Мажлис депутатлигига сайланиб, туманимиз ҳаёти билан боғлиқ масалаларни юқорига олиб чиққан ва кўп муаммоларга ечим топилишига, қишлоқлар обод бўлишига ҳисса қўшган.

Ёшлигимдан журналистикада ўз йўлини топиб, ҳатто, мактаб яратган Абдусайд ака сингари ижодкорларга ҳавас қилганман. Шукрки, ана шу инсонлар билан бирга ишлаш, уларнинг сабоқларидан бевосита баҳраманд бўлиш бахти насиб этди.

Абдусайд аканинг журналистик фаолияти, бадиий ижоди, жуда катта мактаб ва бугун бу ҳақда озми-кўпми маълумотга эга бўлсам-да устознинг ниҳоятда очиқ кўнгил ва камтаринлиги ҳақида айрим жиҳатларни қайд этишни истайдим.

Абдусайд аканинг Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов ҳақидаги “Мен шоирман истасангиз шу” деб номланган рисоласини ўқиб, у кишининг устозига, умуман, адабиётимизнинг йирик дарғаларига бўлган юксак ҳурмати, эҳтироми ҳақида билиб, ҳайратланганимни айтмоқчиман. Абдулла Орипов билан бир неча йиллик учрашувларида салом-алиқдан бошлаб, хайрлашишгача бўлган жараёнларни аниқ-тиниқ баён этиши, устоз шоирнинг гап оҳангию қарашларидан

нима демокчи эканлигини англаб, унинг кечинмаларигача ифода этиши учун чинакам шогирд қандай бўлиши кераклигини тушуниб етасан, киши.

“Мен Абдулла Ориповни қандай кўриб, қандай гаплашган бўлсам, шундайлигича ёздим. Ўзим билган, гувоҳ бўлган, эшитганларимга ҳеч нарса аралаштирганим ёки кўшиб чатганим йўқ. Деярли ҳеч нарса ўзимдан кўшганим йўқ. Камдан-кам ҳоллардагина айрим фикр-мулоҳазаларимни кистириб ўтган бўлишим мумкин”, деб ёзган китоб муаллифи.

Шу китобни ўқиганимдан сўнг кўнглимда айрим саволлар пайдо бўлди. Нега ҳозир элимиз ардоғидаги ижодкорлар, устозлар билан шундай гурунглари, суҳбатлари йўқ ёки биз эшитмаяпмизми? Тўғри, аҳён-аҳёнда, уям бўлса, ўша шоир ёки ёзувчи, журналистнинг юбилей санаси, туғилган куни арафасида шундай эсдаликларни, битикларни ўқиб қоламиз. Лекин буям жуда кам.

Кўп ҳолларда улуғларимиз бу дунёни тарк этганидан кейин хотиралар ёзаяпмиз, кўрсатув ва лавҳалар тайёрлаяпмиз. Ваҳоланки, бундай ишларни улар ҳаётлик чоғида амалга оширсак, бундан ўзлари ҳам хурсанд бўладиларку. Абдусайд аканинг Абдулла Орипов билан кечган суҳбатлардан иборат ушбу рисола қаҳрамон шоиримиз ҳаётлик чоғида, яна денг, у кишининг розилиги билан китоб ҳолига келтирилгани қандай яхши бўлган-а.

Назаримда, бугун А.Кўчимов ёзгандек давралар, гурунглари ўзи йўқ. Борларида эса бу нафис суҳбатлар аҳамиятини ҳис қилмаяпмиз, устоз адибларимиз фикрларини, кўнгил кечинмаларини

қоғозга тушириб қўйишга ҳафсала қилмаяпмиз.

Журналистика соҳасини олайлик, кейинги пайтда нотаниш, янги ҳамкасбимизнинг қандай ўткир публицистик материални ўқидингиз? Марказий нашрларда ва ҳудудий нашрларда ҳам ўзимиз билган ва таниган таниқли журналистларнинг исм-шарифларини ўқиймиз, холос.

Бугун соҳага кириб келаётган ёшларнинг аксари журналистикани ижтимоий тармоқдаги саҳифасида шов-шувли хабарни ҳаммадан эртароқ бериш деб тушунапти. Кўчадаги автохалокат ёки рўй берган фавқулудда ҳодиса, содир этилган жиноят ҳақида биринчи хабар бериш, балки муҳимдир, лекин бу журналистика эмас. Қани энди бу воқеани смартфонига тасвирга олган ёки бу ҳақда хабар берган “журналист” унинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилиб берсаю бундан бошқалар хулоса чиқарса, бундай хатоларга йўл қўймаган бўлармиди. Ана шунда журналистика одамларнинг дийдасини қотирадиган, ҳаёсизликни тарғиб қиладиган хабарлар тарқатишдан тийилган бўлармиди.

Абдусайд ака мамлакатдаги энг нуфузли ахборот идорасининг раҳбари, вазир даражасидаги шахс. Шу билан бирга айни пайтда парламент вакили, Олий Мажлис Сенатининг аъзоси. Лекин ана шу мақому даражаларидан фойдаланишга интилгани, имтиёзларни суиистеъмол қилганини кўрмаганман.

Икки-уч йил олдин Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директорининг сайёр қабулини ўтказиш учун Абдусайд ака Самарқан-

да келадиган бўлди. Темирийўл вокзалига бориб кутиб олиб, қабул ўтказиладиган маҳаллага олиб боришим керак эди. Ўша пайтларда вокзал биноларига фақат йўловчилар киритилар, кузатувчи ва кутиб олувчилар ташқарида бўларди. Мен ҳам поезд келишидан бироз олдин вокзалга бориб нуфузли меҳмонлар ўтадиган “ВИП зал” олдида устозни кутиб турдим.

Поезд келиб тўхтагач, йўловчилар бирин-кетин вокзалдан чиқиб кела бошлади, “ВИП зал”дан ҳам бир қатор раҳбарлар, вазирлар чиқиб, уларни кутиб турган машиналарга ўтиришди. Абдусайд акадан эса дарак йўқ. Шу пайт қўл телефоним жиринглаб қолди, қарасам устоз кўнғироқ қиладиган эканлар. Дарров жавоб бердим.

– Қаердасиз, Ғолиб ака, - деди Абдусайд ака қувноқ кайфиятда. Устоз айрим мажлисларни ҳисобга олмасак, ҳеч бир ходимга расмий мурожаат қилмайди ва доим йўқлаётган кишининг номига “ака” ёки “жон”ни қўшиб айтади.

– Вип залнинг эшиги олди кутиб турибман, устоз, – дедим Абдусайд ака бинодан чиққан бўлса кўзим тушмадим, деб атрофга қараб.

– У ёқда нима қиласиз, мен умумий дарвозадан чиқдим, шу ердаги машиналар олдидаман, – деди устоз. Кейин ўша томонга бордим ва белгиланган манзилга бирга кетдик.

Ўтган йил ноябрь ойида Самарқандга Президент ташриф буюрди ва янги ташкил этилган “Самарқанд – Ургут” темирийўли орқали Ургутга борди. Поезднинг илк йўловчилари қаторида Абдусайд Кўчимов ҳам бор эди ва у киши Ургутда ўтказилган вилоят фаоллари йиғилишида қатнашиб, Тошкент-



га кетиш учун Самарқандга келди. Афсуски, бу пайтда устоз чипта олган поезд пойтахтга жўнаб кетган эди.

Ташриф муносабати билан Самарқандга бир қатор вазирлар ва идоралар раҳбарлари ҳам келган эди. Улардан бири Абдусайд акага кўнғироқ қилиб, хизмат автомашинасида Самарқандга келгани, агар истаса Тошкентга бирга кетишни таклиф қилди. Шунда устоз “майли, мен аввал вокзалга бориб бу чиптани топширай, текин берилган бўлса ҳам давлатнинг пули куймасин, кейин кўнғироқлашамиз” деб жавоб берди. Кейин менга қараб “энди бир вокзалга борайликчи, бу билет тақдири нима бўлишини сўрайлик” деди устоз.

Самарқанд темирйўл вокзалига бориб, депутатлар учун ажратилган кассага мурожаат қилганимизда, улар чиптани олиб қолиб, бир соатдан кейин Тошкентга кетадиган бошқа поездга чипта расмийлаштириб беришди ва “Вип зал”да кутиб туришимиз мумкинлигини айтишди.

Ичкарига кириб, эшикка яқинроқ жойга ўтирмоқчи бўлганимизда шу ерда турган йигитлардан бири “бу жойни раҳбаримиз учун тайёрлаб тургандик, кейинги столга ўтиринглар” деди. Очиғи, йигитнинг бу муносабати ёқмай унга эътироз билдирмоқчи бўлганимизда Абдусайд ака “майли, биз кейинги столга ўта қоламиз” деб қулиб қўйди.

Шу ерда хизмат қилиб турган ходимлардан бири столга чой келтириб қўйди ва устоз бугунги ташриф жуда юқори савияда

ўтганини гапириб берди. Ҳафта якунида Самарқандда Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси томонидан йирик тадбир ўтказилаётгани эсимга тушиб қолди ва устоздан учрашувга келасизми, деб сўрадим.

– Билмадим, кела олмасам керак, – деди Абдусайд ака бироз ўйланиб. – Ўтган ҳафта хизмат сафари билан Хоразмда бўлганим, бугун Самарқандга келиб-кетяпман. Сенатор эканман, деб давлатнинг пулига ҳадеб уёқдан буюкка бориб келаверсам, тўғри келмас. Буниям ҳисоб-китоби бор.

Шу пайт биринчи столга ўтириши керак бўлган раҳбар (вазир ўринбосари экан) залга кириб, кўрсатилган жойга келдию Абдусайд акани кўриб, устоз билан қўшқўллаб кўришди ва “Абдусайд Кўчимович, шу ерда ўтирсам бўладими, бир суҳбатингизни олайлик” деб устознинг ёнидаги бўш жойга ишора қилди.

2025 йилда Абдусайд ака ўзи туғилиб ўсган Деҳқонобод маҳалласида кутубхона ташкил этди. Бу кутубхона ҳозир кўп жойда очилаётгани каби мактаб ёки маҳалланинг битта хонасида эмас, Абдусайд акага ота-онасидан мерос қолган ховлида, айнан кутубхона сифатида қурилган бинода ташкил этилди.

– Бу кутубхонанинг яратилиши тарихи қизиқ бўлган, – дейди Абдусайд аканинг синфдош дўсти, кутубхона қурилишига бош-қош бўлган таълим фидойиси Қуддус Аскарлов. – Бир куни Тошкентда, Абдусайднинг уйида китоб ва китобхонлик маданияти ҳақида суҳ-



батлашиб ўтирганимизда “Эътибор беряпсизми, жўра, Президентимиз истаганларидек, ёшларимизнинг китобга муносабати анча ўзгарди, китоб ўқийдиганлар кўпайди, кутубхоналар гавжум бўлиб қолди, – деди у. – Яхши биласиз, менинг шахсий кутубхонамда ҳам 10 мингдан ортиқ китоб бор. Уларни ўзим тўплаганман, фарзандларим олиб келган, дўстларим, ижодкорлар совға қилган. Қани энди, бу хазинадан бошқалар ҳам баҳраманд бўлса. Ҳар гал қишлоққа борганимда, мактабга, қариндош-уруғларимга совға сифатида олиб бораман, кўни-қўшниларга китобларни олиб бориб ўқинглар, дейман. Келгани келиб олади, лекин уйга китоб сўраб келишга ийманадиганлар ҳам бор-да” деб қолди. Шу суҳбат чоғида китобларни мактабга, бирорга кутубхонага топшириш ёки одамларга тарқатишни ҳақида ҳам гаплашдик, лекин бир қарорга келолмадик. Бир неча кундан кейин ярим кечаси Абдусайд телефон қилиб қолди ва “китобларни нима қилиш йўлини топгандайман” деди. Хўш, айтинг-чи, қандай йўл экан, деб сўрадим. “Яхши биласиз, қишлоқдаги ота-онамдан қолган уйдан ҳеч ким фойдаланмайди. Мен ва болаларим ҳам пойтахтда яшайпмиз, ҳар замон бир қишлоққа борганимизда ҳам қариндош-уруғ, дўст-ёрнинг меҳмондорчилигидан ортмаймиз. Шу уйнинг ўрнида битта кутубхона ташкил қилсак-чи. Китобларни жойлаймиз, ҳам маҳалламиз, Ургут учун яна битта кутубхона пайдо бўлади”, деди. Тўғриси, бу фикр менинг ҳам хаёлимдан ўтганди, аммо жўрамга уйингни кутубхона қил, деб айтишга ийманиб тургандим. Унинг гапини эшитиб, кўзимдан ёш чиқиб кетди ва “агар сиз шундай эзгу ният қилган бўлсангиз, бу ишнинг бошида ўзим турганим бўлсин”, дедим. Шу билан кутубхона ташкил этиш ҳаракатини бошладик. Ниятимиздан Ургут тумани ҳокимлиги раҳбарияти хабардор бўлгач, улар бу ташаббусни қўллаб-қувватлади. Шу тарзда икки йил ичида эски ховли ўрнида кўркем кутубхона кад ростлади.

Ижодкор ўз шахсий кутубхо-

насидаги китоблардан ва ўзининг йигирмадан ортиқ асарларидан бошқалар ҳам баҳраманд бўлишини истаб, бу эзгу ишни бошлаган эди. Хайрли ниятни қўллаб-қувватловчилар ва ушбу мақсадга ҳисса қўшишни истовчилар кўпайди ва ўн мингга яқин китоб тўпланди. Энг муҳими, Ўзбекистон Миллий кутубхонаси мазкур зиё масканини ҳам ўз тармоғига қўшиб, ургутлик китобхонларнинг мамлакатимиз бош кутубхонаси фондидаги асарлардан онлайн фойдаланишларига имконият яратди. Навоий кон-металлургия комбинати эса кутубхонани замонавий компьютерлар билан таъминлаб, интернет орқали Навоий давлат кончилиги ва технология университети кутубхонаси билан боғлади. Маҳаллада кутубхона ташкил этилишидан хурсанд бўлган ва бу ташаббус оммалаштирилишини истаган Ўзбекистон Маҳаллалари уюшмаси кутубхона учун ўнга яқин компьютер жамланмаси туҳфа қилди.

2025 йил 26 октябрь куни кутубхонанинг очилиш маросими ўтказилди ва унда қатнашиш учун Тошкентдан кўплаб ижодкорлар, Абдусайд аканинг дўстлари келди. Меҳмонларнинг айримлари бир кун олдин келишганди ва улар эртага ўтказиладиган тадбирга тайёргарлик кўришда устознинг ёнида бўлишди.

Келганларнинг барчаси каттагина ховлида кутубхона қурилганига ҳавас қилди. Нега ўзи шу пайтгача бу ҳақда ўйлаб кўрмаганини айтди ва кўпчилик шундай кутубхона ташкил этиш фикрини билдирди.

Қутлов ва табриклардан сўнг Абдусайд Кўчимов барчага миннатдорлик билдириб, ушбу зиё маскани қурилишига ҳисса қўшганлар, кадрдонларига раҳмат айтди ва миннатдорчилик рамзи сифатида улар чопон кийдирди.

Тадбир якунланиб, меҳмонлар кузатилгач, биз ҳам кетишга изн сўрадик.

– Укалар, сизларга ҳам катта раҳмат, – деди устоз ва ёнидаги набираларига имо қилган эди улар ичкарига кириб, яна икки-учта чопон кўтариб келдилар. Ана шунда устоз бу чопонларни олиб бирини Абдулазиз Йўлдошев ва бирини менинг елкамга ёпди.

Биз сизга чопон ёпиш ўрнига Сиз бу ишни қилишингиз ноқулай, дейишимизга қарамай унамади ва дўппи, чопон кийдирди. “Сизларни ҳам шундай кунларга етказсин”, деб дуо қилди.

Ғолиб ҲАСАНОВ

Ҳар гал қишлоққа борганимда, мактабга, қариндош-уруғларимга совға сифатида олиб бораман, кўни-қўшниларга китобларни олиб бориб ўқинглар, дейман. Келгани келиб олади, лекин уйга китоб сўраб келишга ийманадиганлар ҳам бор-да” деб қолди.





САЛОМАТЛИКНИНГ БИРЛАМЧИ ТАЯНЧИ



Бугунги кунда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ҳар қандай давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Шу жиҳатдан оилавий поликлиникалар тизими тиббий хизмат кўрсатишнинг энг муҳим бўғини сифатида намоён бўлмоқда.

Оилавий поликлиникалар нафақат касалликларни даволаш, балки уларнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда ҳам катта аҳамиятга эга. Самарқанд шаҳридаги 10-сон оилавий поликлиникаси 25065 нафар аҳолига бугунги кун талаблари даражасида сифатли хизмат кўрсатмоқда.

Худудда олгита маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд бўлиб, ҳозирги кунда тўлиқ электрон тизимга ўтказилган. Поликлиникада сўнгги русумдаги рентген, ултратовуш ва ЭКГ аппаратлари аҳолига сифатли хизмат кўрсатмоқда. Электрон лаборатория йўлга қўйилган бўлиб, беморларга ташхис жавоблари электрон хабар-

нома орқали юборилади. Поликлиникамизда терапевт, педиатр, акушер-гинеколог ва бошқа мутахассислар фаолият юритади. Муҳими, шифокорлар беморни фақат алоҳида касаллик сифатида эмас, балки бутун оила аъзоси сифатида ўрганиб, комплекс ёндашув асосида хизмат кўрсатмоқдалар.

Маълумотларга кўра, бирламчи тиббий ёрдам муассасаларига мурожаат қилувчи беморларнинг тахминан 70–80 фоизи айнан оилавий поликлиникалар ҳиссасига тўғри келади. Бу эса уларнинг аҳоли ҳаётидаги ўрни ниҳоятда катта эканлигини кўрсатади. Шунингдек, сўнгги йилларда профилактика тадбирларининг кучайтирилиши натижасида юрак-қон томир, қандли диабет каби сурункали касалликларнинг эрта аниқланиши 20–25 фоизга ошгани кузатилмоқда. Оилавий поликлиника фаолиятини инсон ҳаётида ишонч ва умид манбаи сифатида таърифлаш мумкин. Эрталабки шошқинликда фарзандини қўлидан етаклаб келган она, ёши улуг отахоннинг шифокорга айтган дардлари, навбат кутаётган одамларнинг бир-бирига бил-

дирган самимий сўзлари кундалик ҳаётимизнинг мазмунига айланган.

Бу ерда шифокор нафақат мутахассис, балки маслаҳатчи, руҳий таянч ва баъзан энг яқин инсонга айланади. Бу жараёнда оилавий поликлиникалар аҳоли учун ягона тиббий маскан бўлиб хизмат қилади. Улар нафақат беморларни даволайди, балки аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб боради, эмлаш тадбирларини ташкил қилади ва соғлом турмуш тарзини тарғиб этади. Шифокор ва ҳамшираларимиз ҳар бир хонадонда бўлиб, саломатлик инсоннинг ўз қўлида эканлигини уқтириб келишмоқда. Ходимларимиз ўз тиббий малакаларини доимо ошириб, илғор замонавий технологиялар билан ишлаш салоҳиятларини ҳам ошириб боришмоқда. Буларнинг барчаси аҳолига сифатли хизмат кўрсатишга қаратилган.

Жаҳонгир ТЎХТАЕВ,
Самарқанд шаҳар соғлиқни сақлаш
бўлими тасарруфидаги 10-сон оилавий
поликлиникаси мудир

ИЗЧИЛ ИСЛОҲОТЛАР ВА БАРҚАРОР ҲАМ ИШ

Мустақилликка эришганидан сўнг Ўзбекистон олдида энг муҳим вазифалардан бири иқтисодий тизимни тубдан ўзгартириш эди. Режалаштирилган иқтисодиётдан бозор муносабатларига ўтиш жараёни мураккаб бўлиб, бу нафақат иқтисодий, балки жамиятнинг барча қатламларига таъсир қилувчи кенг қўламли ислохотларни талаб қилар эди. Шу шароитда мамлакат ўзига хос ривожланиш йўлини танлади. Дастлаб бу сиёсат эҳтиёткорлик сифатида қабул қилинган бўлса-да, вақт ўтиши билан унинг натижалари яққол кўрина бошлади.

Бугунги кунда савдо нуқталари, хизмат кўрсатиш корхоналари, кичик ишлаб чиқариш цехлари ва оилавий бизнеслар кенг тарқалган. Бу нафақат иқтисодий фаолликни оширди, балки аҳолининг ўзини-ўзи банд қилиш имкониятини ҳам кенгайтди.

Саноат соҳасида ҳам муҳим ўзгаришлар кузатилди. Авваллари импортга қарам бўлган қўлаб маҳсулотлар ички бозорда ишлаб чиқарила бошланди. 2017 йилдан кейинги давр Ўзбекистон иқтисодиёти учун янги босқич сифатида баҳоланади. Валюта бозорининг эркинлашуви, сўмнинг тўлиқ конвертация қилиниши ва бизнес юритиш шароитларининг яхшиланиши иқтисодий фаолликни сезиларли даражада оширди. Натижада хорижий инвесторлар учун мамлакат янада жозибадор бўлди ва капитал оқими кучайди.

Бу жараёнда турли ҳудудларда эркин иқтисодий зоналар ва саноат паркларининг ташкил этилиши ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга хизмат қилди. Бу эса янги иш ўринларининг яратилишига ва ҳудудлар иқтисодий фаоллигининг ошишига олиб келди. Шунингдек, Жаҳон банки ва Халқаро валюта жамғармаси томонидан берилган ижобий баҳолар Ўзбекистон иқтисодий ислохотларига бўлган халқаро ишончни мустаҳкамлади. Бу эса инвестиция муҳитини янада яхшилашга хизмат қилди.

Хулоса қилиб айтганда, иқтисодий ислохотлар мамлакатни кескин иқтисодий тебранишлардан сақлаб, босқичма-босқич барқарор ривожланиш йўлига олиб чиқди. Олдинда эса рақобатбардош иқтисодий тизимни шакллантириш, самарадорликни ошириш ва глобал иқтисодиётга янада чуқур интеграция қилиш каби муҳим вазифалар туриди.

Валишер АБИРОВ,
Тошкент давлат шарқшунослик университети доценти



ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА АМАЛИЙ СЕМИНАР ЎТКАЗИЛДИ

Хўжайли давлат ўрмон хўжалигида ўрмонларда ёнгин хавфини бартараф этиш ҳамда зараркунанда ва касалликларнинг олдини олиш мақсадида махсус-тактик ўқув машқлари ташкил этилди.

Тадбирда Қорақалпоғистон Ўрмон агентлиги масъуллари, туман фавқулодда вазиятлар ҳамда Ўсимликлар карантинини ва химояси агентлиги мутахассислари иштирок этди.

Ўқув машқларида ўрмон ҳудудларида содир бўладиган ёнгинларни бартараф этиш, ҳудудларда мавжуд дарахт ва буталарни касаллик ва зараркунандалардан химоя қилиш, тезкор ахборот алмашинуви ва бошқарувни ташкил этиш бўйича амалий кўргазмалар ўтказилди.

Яқунда келгусида амалга оширилиши лозим бўлган мақсад ва вазифалар белгилаб олинди.



МУАССИСЛАР:

Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси

Тахрир хайъати:

Азиз АБДУҲАКИМОВ
Қаҳрамон ҚУРАНБОЕВ
Ақтам ҲАЙИТОВ
Қамолитдин ИШАНХОДЖАЕВ
Отабек ҲУСАНОВ

Бош муҳаррир
Максуд
ЖОНИХОНОВ

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Манзил:
Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-510
Адади: 2505
Пайшанба куни чиқади.
Қоғоз бичими А-3,
ҳажми 2 босма табоқ.
Баҳоси келишилган нарҳда.

2024 йил 2 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 0010-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
ISSN 2010-7722

Боғланиш учун телефонлар:
99-994-70-52
98-111-48-29
Электрон почта:
jamiyat@umail.uz
Газета индекси – 131
“ЖАМИЯТ”дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Топширилган вақти: 20:00
1 2 3 4 5 6

«ЎЗБЕК ХОНАДОНИДА БАХТ ТОПДИМ!»

Алёна Горбачёва:
- 10 йил яшаб қўйибмиз!
Кўз очиб - юмгунча вақт ўтибди. Бугун 3 нафар фарзанднинг ота - онасимиз!
Ва бугун мен аниқ айта оламан - ҲАЁТДА ЭНГ МУҲИМИ ОИЛА!

Навоий Педагогика институти филология факультетини тамомлаганман. Тўйимизга қадар (2016 йилда турмуш курганмиз) “Энг фаол спорт журналисти”, “Энг ёш журналист” каби вилоят ва республика танловларида юқори ўринларни эгаллаб, мусобақаларда дипломлар, сертификатлар олиб, мамлакатимизнинг турли худудларида хизмат сафарларида бўлардим. Голиблик ва ишим билан боғлиқ бу юришларимдан катта завқни туярдим. Булар мен учун жуда муҳим эди...

2014 йилда “Дўстлик байроғи” газетаси тахририятида “Горбачёв” деб танилган бўлғуси турмуш ўртоғим Сирож Аслонов билан танишдик ва ҳаётим ўзгариб кетди. 2 йиллик синовлардан сўнг эса, у билан турмуш курдик.

Тўйимиз оддий ва камтарона бўлган. Камҳарж, камчиқим, камсонли дўстлар даврасида. Тўйимизда анъанавий келинлар “фата”сини киймаганман, “ФАРҲОД ВА ШИРИН” образида чиққанмиз. Бу ҳаммага жуда ёққанди. “ЗАГС”имиз ҳам чиройли ва оддий бўлган, энг яқин дўстларимиз ҳамроҳлигида никоҳимизни қайд этганмиз!

Ўзим оилада ёлғиз фарзанд бўлганим учун, доим катта оилам ва кўп фарзандларим бўлишини орзу қилардим! Айнан шундай файзли хонадонга келин бўлдим. Қайнона-қайнотам маърифатли, бағрикенг ва жуда самимий инсонлар. Катта ҳовлига келин бўлиб тушдим. Барча ўзбекона удумларни

чин кўнгилдан бажардим. Ўзбек тилини яхши билмасдим, гапиришниқу, қўя туринг! 3 йил уларнинг хизматини қилдим ва шундан сўнг бош тўлови давлат томонидан тўлаб берилган “Қамолот” уйларида сотиб олиб, кўчиб чиқдик.

Мен рус, улар ўзбек – турмушимизда, анъаналар, қарашлар ва одатларимизда фарқлар бўлиши табиий ҳол эди. Мослашдим, кўникдим, ўргандим - бу бахтли ҳаётимизнинг калити бўлди.

Қайнона-қайнотамнинг ҳаётидан жуда кўп нарсани ўргандим, десам ҳам бўлади. Улар бизнинг севгимизга қарши бўлишмаган, аксинча ўғилларини қўллаб-қувватлашган. “Муҳими, бир бирингизни севиб, тушуниб яшасангиз, кифоя”, дейишган. Аксинча, турмуш ўртоғимнинг қариндошлари бу тўйга қарши бўлган ва шу сабаб, қайнона-қайнотамдан аразлаб, маълум муддат “борди-келди”ни тўхтатиб қўйишган. “Булар барибир ажрашиб кетади”, деб ўйлашган. Бугун эса, улар биз билан фахрланишади. Қайнонам “ўрис келиним – дуруст келиним” деб мактайти, эркалатади ва бу менга жуда ёқади. Дадажон ва Ойижоннинг ўзлари ҳам севиб-севилиб турмуш қуришган экан. 1981 йилда тўйлари бўлган бўлса, 45 йилдан бери, бир-бирини суяб-суяниб яшашади.

Ўз ота-онам ҳам мендан кўнгиллари тўқ. Аввал тақдиримдан ҳавотирланган бўлишса, ҳозир толеимдан, бахтимдан фақат хурсанд бўлишади. Оилавий байрамларимизни улар ҳам жуда яхши кўради. Ота-онам ўзбек тилини яхши билишмаса ҳам, бир-бирларини яхши тушунишади. Бир-бирини хурмат қилишади. Оналаримизни бирга сихатгоҳларга жўнатиб турамиз. Яхши тил топиб кетишган.

Катта қизимиз 8 ёшда, 2-синфда ўқийди ва бадий гимнастика билан жиддий шуғулланади. Бобо, бувлари

жаҳон чемпиони бўлсин, дея ният қилишган. Алибегим 4 ёшда, Амир эса 1,5 ёшда. Мен ҳозир болаларим хизматидаман. Уларни мактабга, боғчага ва машғулотларга олиб бораман, улар билан бирга ўқийман, бирга шуғулланаман.

Турмуш ўртоғимнинг ишини доим кузатиб бораман. У Ўзбекистон Ахборот агентлиги (UzA)нинг Навоий вилоят фотомухбири. Ижодкор инсон. Вилоятга оид янгиликларни фақат республикага эмас, бутун дунёга таркатади. У кишининг “иши”ни танийман. Билими, салоҳияти, иқтидорини қадрлайман. Ютуқларида озгина бўлса ҳам, менинг ҳиссам борлигидан хурсандман, албатта! Оиласи, фарзандларидан кўнгли тўқ, рўзғори тинч инсонгина жамиятга фойда келтира олади!

Мен АЁЛ сифатида ўз вазифаларимни чин кўнгилдан бажаришга интиламан ва умид қиламанки, келажакда бу ишларим албатта, ўз самарасини беради. Фарзандларимиз ота-онасидай жамиятга керакли шахслар бўлиб етишса, мақсадга етганимиз шу!

10 йиллик турмушимиздан кўп нарсани англадим. Бахтли бўлишни ўргандим! Бугун мени ўрним - оилада, фарзандларим ёнида, ҳозир уларга жуда керакман. Вақти етганида, яна сеvimли ишимга қайтаман. Лекин аёл кишининг бахти - аввало оиласида эканини яхши билиб олдим, муҳими шу! Бугун ҳам биз “Фарҳод ва Ширин” миз!

АЁЛ КИШИ УЧУН НИМА КЕРАК БЎЛСА, БУГУН МЕНДА ҲАММАСИ БОР! БАХТЛИМАН!

ҲАММА АЁЛЛАР БАХТЛИ БЎЛСИН!

Алёнанинг сўзларини
Гулчеҳра Бердиёрова оққа кўчирди.



ИЛЛАТ УЯСИ



Ҳар гал Абдижаббор муаллим билан учрашсам, албатта мактаб ҳаётига доир бирорта воқеани сўзлаб беради. Бугун ҳам шундай бўлди. Муаллим ўйчан қиёфада тирсагимдан тутиб, хиёбондаги ўриндиқ томон етаклади.

– Бир неча йил аввал саккизинчи синф ўқувчиларини Шахрисабзнинг тарихий обидаларини томоша қилдиргани олиб бордим. Оксаройни айланиб, ўқувчиларимнинг турли саволларига жавоб қайтариб юриб, тўсатдан улардан бирини йўқотиб қўйдим. Йўқолган бола Тўлқин дўкончининг ўғли Асилбек эди. Тезда болаларни бир жойга тўплаб суриштирдим, ҳеч ким кўрдим, демади. Хавотирландим, менга ёрдамчи бўлиб борган Хадича муаллимага ўқувчиларни топшириб, чор-атрофни кўздан кечирдим. Йўқ. Кўнглимга алламбалолар келди. Кўчанинг нариги тарафи катта бозор. Унинг биқинида “универмаг” бор. Ўша тарафга йўл олдим. Не кўз билан кўрайки, ўқувчим Асилбек қўлида бир сиким долларни ушлаганча ўша жойдан кўним топган долларфурушлар билан савдолашарди. Унинг қўлидаги “кўк”ни кўриб ҳайратландим. Ахир элликка ёшга кирган бўлсам-да, бунча пулни ушлаб ҳам кўрмаган эдим-да...

Мен Асилбекнинг ёнига бориб, “алданиб қолмадингми?” – деб сўрадим. Асилбек менга ажабсиниб қаради:

– Эй, домла, кизиқмисиз, мен алданаманми, ахир ҳар ҳафтада дадам билан бу жойга келиб тураман. Барисини танийман, “клиент”ман.

– Оксаройни томоша қилмай, нега бу жойга келдинг? – дедим жаҳлим чиқиб.

– Қўйинг, эски бир иморат экан-ку, кизиғи йўқ, ундан кўра юринг, ресторанга кирайлик, харажати мендан, ахир айбдорман.

Мен Асилбекни жеркиб ташладим ва эргаштириб болаларга қўшдим, аммо ич-ичимдан ўқувчимни аллақачон йўқотиб қўйганимни аңгладим. Уни уришиб бўлмасди, нега дейсизми, чунки у бошқа болаларга ўхшаб тўполон қилмас, лекин ўта хавфли эди. Асилбекнинг ақли ҳар балога етар, хуллас, у аллақачон болалиқдан мосуво бўлган эди. Бунга ким айбдор? Мен, дедим ўзимга-ўзим, ахир синф раҳбариман, адабиёт муаллимиман.

Кунларнинг бирида синф ота-оналарининг мажлисини чақирдим, йиғинга умри дала-даштда қўйлар ортидан ўтадиган Расул чўпон ҳам гарчи кечикиб бўлса-да, келди. Лекин Асилбекнинг на отаси, на онаси қатнашди.

Мажлис тугагач, аълочи ўқувчим Ойгулнинг онаси Озода опа менга икки оғиз гапи борлигини айтиб қолди ва “ўқиб кўринг” деб қўлимга хат тутди.

Қизиқиб варақни очдим.

“Ойгул, сени яхши кўришимни биласан, лекин сен бекорга таклифимни рад этдинг. Ўша

сассик чўпоннинг ўғли Зафарнинг мендан нимаси ортик? Аълочи бўлса ҳам барибир ўқишга киролмайди. Билсанг, ўқишга пули кўплар киради. Мен эса барибир хоҳлаган ўқишимга кираман. Дадамнинг кимлигини биласан. Сен кўпам ноз қилма, истасанг, Қаршига машинада айлантриб келаман, зўр точкаларни биламан, маза қиласан...

Агар яна Расул чўпоннинг ўғлига кулиб қарасанг, ўзингдан кўр! Асилбек”.

Хатни ўқиб чўнтагимга солдим ва Озода опага:

– Опа, сиз хавотирланманг, Ойгул ақли қиз, унга ишонаман, Асилбек билан эса гаплашаман, менга ишонинг, – дедим.

Мактабдан тўғри Асилбекнинг уйига йўл олдим. Дарвозани очган онаси хушламайгина кутиб олди. Мен ундан нега мажлисга бормадингиз, деб сўрадим.

– Ҳа, айтувди, аксига олиб хўжайинни ул-фатлари қайгадир олиб кетишди, менинг эса бизнес дугоналарим келиб қолди, ахир “меҳмон атойти худо” деган машойихлар. Нима, ўғлимизга “притензия” борми?

Мен ўғлининг ўқиши пастлиги, хулқи ҳам яхши эмаслигини айтдим.

– Эй, қўйинг, Асилбек – кўзимизнинг оқу қораси, уни ёмон деганлар бизга ғаним, ахир уни деб яшайпмиз, чопаяпмиз. Манави уй, машина, мол-мулк ўшаники-да! Бизга унинг ўқиши эмас, соғлиғи керак. Яқинда дадаси ўғлимни шаҳарга олиб кетади, қутуласизлар...

Аёл менга ўғли дарс қиладиган хонани кўрсатди. Унда қимматбаҳо гиламлар, қандиллар, телевизор, компьютер, хуллас барча шароит муҳайё эди.

– Аммо негадир бирорта китоб кўрмайпман, – дедим оҳиста.

Аёл хона бурчагидаги шкафни очиб, бир талай рангли журналларни стол устига ташлади. Журналлар хорижий “юлдуз”ларнинг яланғоч суратлари билан тўлган эди. Мен хижолат бўлдим, аёл буни сезиб қулди:

– Вой, менинг тойчоғим қизларни томоша қиладиган бўлибди, кечкурун адасидан суюнчи оламан, – деб қийқириб юборди.

Мен уй бекасига хат ҳақида айтмадим, чунки бефойда эканлигини аңгладим ва ҳовлидан чиқиб, енгил нафас олдим. “Онаси шундай бўлса, отаси қандай экан?”, – деган ўйга бордим.

Кўчада кетаётиб уч-тўртта қўй боқиб ўтирган Очил бобога кўзим тушди. Ёнига бориб саломлашдим. Бобо менинг дўкончининг уйдан чиққанимни кўриб турганди.

– Домла, бундан кўпам асабийлашманг, бу ҳовли нақ касофатнинг, иллатнинг уяси, бу уйдан барака кетганига анча бўлган. Тўлқинбой менга жон ҳамсоя, аммо салом беришни билмайди, кўчада фақат Хайри фермер билан бош ирғаб саломлашади. Буларнинг авлоди ўзи шунақа, раҳматли отаси Туроб қассоб ҳам ўзидан зўрнинг соясига пояндоз тўшар, пастрокни эса оёқ учида кўрарди.

Орадан икки кун ўтиб, отаси Асилбекни шаҳарга олиб кетди. Гапнинг ростини айтсам, мен ҳам бошоғригидан қутулганимга шукр қилдим.

Бир куни ўқитувчилардан бири айтиб қолди:

– Эшитдингизми, собик ўқувчингиз Асилбек шаҳарда ёш қизни зўрламоқчи бўлгани учун қамоқда эмиш...

– Нима бўпти, бундай номаъқул ишни эркатой аввал ҳам қилувди, дўкончи босди-босди қилганди, буни ҳам босади, – деди Ражаб муаллим.

– Йўқ, – деди Собир муаллим жиддий товушда, – дўкончи ва хотини қўшни давлатдан қорадори олиб келаётганда қўлга тушган. Кеча милисалар келиб уйини, дарвозасини муҳрлаб кетишди.

Менинг эса хотирамда Очил бобонинг сўзлари қайта жонланди:

“Бу ҳовли нақ касофатнинг, иллатнинг уяси...”

Ўролбой ҚОБИЛ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси